

С. Э. ТУЛМИН ЭВОЛЮЦИОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ФАН ФАЛСАФАСИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Абдунаби Хатамов

Жиззах давлат педагогика институти доценти

haqiqiysanjar@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Тулмин эволюцион концепциясининг фан фалсафаси ривожланишидаги ўрни, Тулмин таълимотидаги энг муҳим томонлари, унинг фан ривожланиши жараёнини конкрет-тарихий нуқтаи назардан туриб таҳлил қилган.

Калит сўзлар: Тулминча эволюцион концепцияси, эволюция, фан фалсафаси, фан эволюцияси, рационалик, мантиқийлик постпозитивизм, интеллектуал муҳит, инсоний тушуниш, парадигма

ABSTRACT

This article analyzes the role of Tulmin's evolutionary concept in the development of philosophy of science, the most important aspects of Tulmin's doctrine, the process of development of science from a concrete-historical perspective.

Keywords: Tulmin's evolutionary concept, evolution, philosophy of science, evolution of science, rationality, logic, postpositivism, intellectual environment, human understanding, paradigm

КИРИШ

С.Э.Тулмин англо-америкалик файласуф, постпозитивизмнинг асосчиларидан бири, фан фалсафасининг йирик вакили.

Тулмин остпозитивизмнинг кўпчилик олимлар ва файласуфлар томонидан тан олинган моделларидан бирининг муаллифи ҳисобланади. Бу модель фан ва фалсафа тарихида “Стивен Тулминнинг фан ривожланиши эволюцион модели” ёки “Тушунишнинг Тулминча эволюцион концепцияси” номлари билан аталади. Тулмин ўз фаолиятини бошлаган даврларда илм-фанда формал мантиқий-индуктив ёндашув муҳим ўрин эгаллаган эди. Ушбу ёндашувга кўра, илмий мулоҳазалар формал-



мантикий тўғрилиқ ва верификациялаш талаблари жавоб бериши зарур эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу нуқтаи назарнинг чинлигига ишонч-формал мантикий хулосаларнинг универсаллиги принципига бориб тақалади. Тулмин мантикий позитивистларнинг мана шундай универсал формал-мантикий ёндошувларини танқид қилиб чиқди. У ҳар бир олимнинг конкрет фикрлаш услуби воқеа-ҳодисаларга ёндошиш йўли бўлишлиги кераклигига эътибор қаратди [1,443]. Унинг фикрича, илмий қонунлар ҳудди Витгейнштейнча “тил ўйинларида”ги мулоҳазалар қоидалари каби хилма-хилдир. Ҳар бир конкрет “илмий ўйин” турли стандартлардаги мулоҳазалардан иборат бўлиши керак. Тулмин мана шу тарзда мантикий позитивистларнинг универсал формал индуктив мантиғига муқобил бўлган фаннинг эволюцион ривожланиши назариясини илгари суради.

Тулмин фикрига кўра, мулоҳаза юритишнинг турли стандартларини тадқиқ этиш эпистемологиянинг мазмунини ташкил қилади. Ушбу ҳолатда эпистемологиянинг предмети сунъий формал мантикий структуралар қоидаларини ўзгартириш эмас, балки олимлар ва илмий жамоанинг илмий фаолияти мағзи бўлган рационаллик ҳисобланиши керак. Тулмин мана шу асосда илмий назарияларнинг негизда ётувчи рационаллик ва тушунишнинг эволюцион ривожланиши концепциясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. У ўзининг рационаллик тўғрисидаги ғояларини абсолютистлар ва релятивистлар қарашларига қарама-қарши қўяди. Маълумки, фалсафа тарихидан абсолютистлар муайян авторитет системанинг барча замонлар учун универсал стандартлар бўла олишини эътироф этган бўлсалар, релятивистлар эса муайян авторитет системанинг маълум тарихий давр учун универсал стандарт вазифасини бажариши тўғрисидаги қарашларни илгари сурган эдилар.

Тулмин қарашларига кўра, рационаллик – бу инсон фаолияти ёки ташаббускорлигининг ажралмас қисми, у туфайли тушунча, мулоҳаза каби формал системалар танқид қилинади ва ўзгаради. Бошқача қилиб айтганда, рационаллик – бу тарихан шартланган илмий-тадқиқот меъёрларига мувофиқ равишда мулоҳаза юритиш маданиятидир. Бунда рационалликнинг ягона стандартлари бўлиши мумкин эмаслиги – уларнинг тарахий тараққиёт давомида табиий равишда ўзгариб бориши назарда тутилган.

Тулмин рационаллик ва мантикийлик тушунчаларини бир-бирларидан фарқлаш керак, деб ўргатади. Унинг фикрича, рационаллик – қандайдир мантикий ёки концептуал



системанинг атрибуту эмас, у инсон фаолиятининг атрибутидир. Шунинг учун ҳам инсон фаолиятининг ўзини тадқиқ қилиш талаб этилади. Илмий назарияларнинг фундаментал муаммоларини эса бир бутун тарихий контекст доирасида кўриб чиқиш керак бўлади. Агар мана шу ёндошувга амал қилинса, унда Тулмин рационалликнинг намунаси сифатида математик физика эмас, юриспруденция олиниши керак бўлади, деб ҳисоблайди. Айни юриспруденцияда мантикий жиҳатдан тўғри, аммо амалий мақсадга улар воситасида эришиб бўлмайдиган аргументлар рационал деб қабул қилиниши мумкин эмас. Методологнинг вазифаси мантикий структураларнинг қай тарзда рационал фаолиятга кўмак беришини кўрсатиб беришдан иборат бўлиши керак. Тулмин фикрича, рационаллик муаммосига функционал ёндошув зарур. Унга кўра, мантикий методологик тадқиқотнинг олим илмий изланиш фаолиятига алоқаси йўқ. Олим ғоялар, методлар ва воситалар мажмуи бўлган рационаллик ёрдамида ҳодисаларни тушуниб етади. Илмий билимларнинг рационалиги тушунишнинг қабул қилинган стандартларга мослигидир[1,32-46]. Тулмин олимлар томонидан қабул қилинган стандартларга мос келувчи ҳодисаларни тушунарли деб ҳисоблайди. У тушунишни яхшилаш, янгилаш фан эволюциясига рағбат беришини кўрсатиб ўтади.

НАТИЖАЛАР

Тулмин фаннинг ҳақиқий тарихини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У ўзининг “Инсоний тушуниш” асарида илмий билимлар ривожланишининг эволюцион биологик моделини тақдим қилади. Тулминнинг фан ривожланишининг эволюцион модели, Дарвиннинг эволюцион назариясига қиёсан яратилади. Масалан, чегарадош билимлар соҳалари тўғрисидаги назариялар “популяция” сифатида намоён бўлади. Тушунча, қоида ва схемаларнинг ўзгариб бориши “ўзгарувчанлик”ка ўхшатилади. Тулмин Дарвиннинг эволюцион назариясига ўхшатган ҳолда илмий тушунчалар ривожланишининг эволюцион назариясини яратиш орқали фаннинг ривожланиш динамикасини очиб беради[1,32-46].

Тулмин фан эволюциясига хос бўлган асосий хусусиятларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

1. Фаннинг интеллектуал мазмуни бир томондан ўзгариш содир бўлиши, иккинчи томондан эса ворисийликнинг яққол кўриниши.

2. Интеллектуал фанда доимо синов учун илгари сурилган ғоялар ва методлар бўлади, лекин улар ичида



баъзиларигина илмий билимлар системасида мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин. Мана шу тарзда тўхтовсиз вужудга келувчи интеллектуал янгиликлар танқидий “танлов” жараёнида мувофиқлаштирилади.

3. Ушбу икки томонлама жараён фақат бир қанча қўшимча шароитлар мавжуд бўлгандагина самарали ўзгаришлар келтириб чиқаради. Бунинг учун биринчидан, интеллектуал янгиликлар оқимини қўллаб-қуватлаш қобилиятига эга бўлган керакли миқдордаги одамлар бўлиши зарур, иккинчидан, илмий рақобат форумларида синаш учун ташланган янги билимлар узоқ вақтлар давомида мавжуд бўлиши керак. Мана шу даврда улардаги қимматдорлик ва камчиликлар аниқланади.

4. Ҳар қандай тарихий ва маданий вазиятнинг “интеллектуал экология”сини ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар тўплами белгилайди. Ҳар қандай муаммоли вазиятда интизомий танлов асосида рақобатдош бўлган янгиликлар ичида маҳаллий интеллектуал муҳит талабларига жавоб берадиган энг саралари танлаб олинади.

Шундай қилиб, фаннинг ривожланиши қонунлари тўғрисидаги фикрлаш икки гуруҳ масалаларга келиб боғланади.

Биринчиси, янгиликларнинг пайдо бўлишини қайси омиллар белгилайди?

Иккинчиси, у ёки бу концептуал вариантни тан олиш ва мустаҳкамлашни қандай омиллар белгилайди?

Тулмин фикрига кўра, фан ривожланиши кескин инқилоблар шаклида эмас, балки ҳар бир алоҳида кашфиёт билан боғлиқ ва индивидуал ўзгарувчанлик ёки мутацияга ўхшаш бўлган микроинқилоблар тарзида кечади.

Билимлар, деб уқтиради файласуф, муаммолар ва тушунчалар оқими сифатида “урчиб”, кўпайиб боради. Улардан энг қимматлилари даврдан даврга, бир илмий жамоатчиликдан бошқасига ўтказилади. Яъни, билимлар ривожланишида ворисийлик қонуни амал қилади. Бу жараёнда улар бир шаклдан бошқа шаклга киради, “гибридлашади”. Рационаликнинг янгича тикланиши ва алмашиниши Тулмин қандайдир чуқур инқироз билан боғламайди. Негаки инқироз-носоғлом ҳодисадир. Тулмин уларни танлов вазияти ва тушунчалар мутациясининг ошиб бориши сифатида кўриб чиқади. Бунда гап фан тараққиёти ҳақида эмас, балки унинг ўзгарувчан шароитга кўп ёки оз даражадаги мослашуви ҳақида борапти. Тулмин мана шу тарзда илмий ривожланишни ғояларнинг яшаш муҳитига аъло даражадаги мослашуви йўлидаги доимий ва йўналишсиз курашиши жараёнидир, деб талқин қилади.



МУҲОКАМА

Тулмин қарашларига кўра, илмий назариялар ва анъаналар консерватив сақланиш(яшовчанлик) ва инновация (мутация) жараёнлари таъсирида бўлади. Фандаги инновациялар танқид ва ўз-ўзини танқид ҳолатларига бардош беради. “Интеллектуал муҳит”га энг юқори даражада мослашган популяциялар яшаб қолади. Тулмин фикрича, илмий тадқиқот ишларини оқилоно ташкиллаштириш кўп даражада фундаментал илмий тадқиқотларнинг мазмунига эмас, балки йўналишларнинг лидерларига боғлиқ бўлади. Тулмининг ушбу фикрларида Кунча “илмий инқилоблар” ва “парадигмалар алмашинуви” ғояларига қарама-қарши муносабат кўришиб турибди. Энг драматик инқилоблар ҳам ҳеч қачон ўтмиш билан мутлоқ узилишга олиб келмайди, деб таъкидлайди Тулмин. Бу билан файласуф илмий билмлар ривожланиши ворисийлик асосида содир бўлишини яна бир бор кўрсатиб ўтади[1,128].

Тулмин фан ривожланишини борлиқни янада чуқурроқ билишда, муаммоларнинг моҳиятини тушуниб етишда, деб билади. Оламни тушуниб етиш учун биз, уларга бўлган илмий-тадқиқот ёндошувларимизни ўзгартиришимиз керак, дейди у. Мана шу асосда Тулмин “илмий билимлар эволюциясининг методологик назарияси”ни яратиш учун “концептуал система” тушунчасидан воз кечишимиз, унинг ўрнига “концептуал популяция” тушунчасини киритишимиз керак, деган таклифни илгари суради. Тушунчаларни бундай ўзгартириш унга дарвиннинг эволюцион назариясини парадигма сифатида танлаш имкони билан бирга фан тараққиётини билимларнинг ўсиши сифатида шарҳлашдан воз кечишга ҳамда фан эволюциясини тушунишнинг янгиланиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб беришига йўл берар эди. Бундай ҳолатда фаннинг ўзи тушунчалар популяцияси ва тушунтириш воситалари сифатида гавдаланади.

Тулмин илмий тушунчаларнинг ўзгариш жараёнини “инсоний тушуниш” сифатида талқин қилади. У “инсон билади ва шу билан бирга англаб етади”, деган фактга мурожаат қилган ҳолда фикр юритади. Тулмин мана шу тарзда тафаккур ва тушунишни бир-биридан фарқлайди. Унинг қарашларига кўра, тушуниш ҳам ташқи, ҳам ички томонга қаратилган. Икки томонга эга бўлган тушуниш бир бутундир. Методологнинг вазифаларидан бири – мана шу бирликни таъминлаш, яъни ташқи томонга қаратилган амалий масалалар ва ички томонга йўналтирилган назарий масалаларнинг бирлигини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Ўтмишда буюк мутафаккирлар тушунишнинг бирлиги масаласига



этибор қаратганлар. “Платон ва Аристотель учун ҳар бир метафизик тезис методологик аҳамият касб этган, илмий билишнинг ҳар бир ўлчови эса фалсафий жиҳатдан ўринли, деб топилган” [1,26]. Қадимги давр файласуфлари ҳам, XVII аср Европа олимлари ҳам муаммоларни соф фалсафий ва соф илмий турларга ажратишмаган. Ҳозирги даврда янги эпистемологияни яратиш жараёнида биз буларни ҳисобга олишимиз зарур. Яъни Оламни англаб етишда биз тушунишнинг илмий ва фалсафий жиҳатларини бир-бирларидан бутунлай ажратиб қўймаслигимиз керак.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Тулмин постпозитивизм ёки фан фалсафасида илмий билимлар ривожланишининг ўзига хос моделини яратишга ҳаркат қилди. У ўз таълимотида фан ривожланишининг муҳим эволюцион-диалектик жиҳатларини кўрсатиб берди. Тулминнинг эволюцион модели Дарвиннинг эволюцион назариясига ортикча даражада ўхшатилса ҳам, унинг қарашлари фандаги абсолютизм ва догматизм каби нуқтаи назарларга қарши курашда қўл келади. Тулмин таълимотидаги энг муҳим томонлардан бири унинг фан ривожланиши жараёнини конкрет-тарихий нуқтаи назардан туриб таҳлил қилганидир. Тулминнинг ғоялари фан фалсафаси ва методологиясининг кейинги ривожига ўзининг салмоқли таъсири ўтказди.

REFERENCES

1. Тулмин С.Э. Человеческое понимание. М.:1984. – С.443
2. Sindorkulovich, K. S. (2020). The significance of socio philosophical study of young people's life goals. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 523-527.
3. Khotamov, A., & Sindorkulovich, K. S. (2020). The study of the problem of life goal in the history of philosophy. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(4), 34-42.

